

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/05.06.2020.Ped.76.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АБДУСАМИЕВ ДИЛМУРОД АБДУҒАНИ ЎҒЛИ**

**ЎҚИТУВЧИ ФАОЛИЯТИДА ЮЗАГА КЕЛАДИГАН КАСБИЙ  
ДЕФОРМАЦИЯНИ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ ПЕДАГОГИК  
ИМКОНИАТЛАРИ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
pedagogical sciences**

**Абдусамиев Дилмурод Абдугани ўғли**

Ўқитувчи фаолиятида юзага келадиган касбий деформацияни олдини олишнинг педагогик имкониятлари..... 3

**Абдусамиев Дилмурод Абдугани угли**

Педагогические возможности профилактики профессиональной деформации в деятельности учителя .....23

**Abdusamiev Dilmurod Abdugani ugli**

Pedagogical opportunities for the prevention of professional deformation in the activities of teachers .....43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....47

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/05.06.2020.Ped.76.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АБДУСАМИЕВ ДИЛМУРОД АБДУҒАНИ ЎҒЛИ**

**ЎҚИТУВЧИ ФАОЛИЯТИДА ЮЗАГА КЕЛАДИГАН КАСБИЙ  
ДЕФОРМАЦИЯНИ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ ПЕДАГОГИК  
ИМКОНИАТЛАРИ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.1.PhD/Ped2145 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Наманган давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб саҳифасида ([www.namdu.uz](http://www.namdu.uz)) ва «ZiyoNET» Ахборот таълим порталида ([www.ziyo.net/uz](http://www.ziyo.net/uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Асқарова Ўғилой Мамашокировна**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Нуриллаева Шахло Ўктамовна**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Абдуллаева Насиба Жўраевна**  
педагогика фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Гулистон давлат университети**

Диссертация ҳимояси Наманган давлат университети ҳузуридаги PhD.03/05.06.2020.Ped.76.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «13» январь соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй. Тел.: (+99869) 227-06-12; факс: (+99869) 227-07-61; e-mail: [info@namdu.uz](mailto:info@namdu.uz).)

Диссертация билан Наманган давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1178 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй. Тел.: (+99869) 227-29-81)

Диссертация автореферати 2022 йил «30» декабрь куни тарқатилди.  
(2022 йил «30» декабрдаги 15-рақамли реестр баённомаси)



**С.Т.Тургунов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

**М.А.Асқарова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, PhD

**З.Э.Азимова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., доцент

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Жаҳон таълим тизимида ўқитувчиларнинг касбий ўзини-ўзи ривожлантириши, ижодий ва инновацион ёндашувлар асосида касбий малакаларни шакллантиришда профессионал тренинглар ва модулли, коллаборатив (“қўшма”, “жамоа”), инновацион технологиялардан фойдаланишга алоҳида эътибор берилмоқда. Жумладан, инновацион салоҳиятни ривожлантириш мақсадида ўқитувчиларнинг касбий деформациясини олдини олиш, шахслараро муносабатлар тизимини оптималлаштириш, таълим тизимининг барча иштирокчиларининг ижодий фикрлаш лаёқатини, ўз устида мустақил ишлаш, мустақил таълим олиш, ўзини-ўзи мустақил таҳлил қилиш қобилиятларини таркиб топтиришда муҳим аҳамият касб этади. Педагог кадрларда касбий деформацияни олдини олиш масалалари бўйича Нидерландия, Япония, Лихтенштейн, АҚШ, Белгия, Германия, Канада, Россия каби давлатларда касбий фаолиятнинг мажбурий компоненти сифатида белгиланган. Касбий деформацияни олдини олиш бўйича жаҳон тажрибалари, ёндашувлари, методикалари ва йўналишларини таркиб топтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Дунёда таълим соҳасида фаолият олиб боровчи ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятига ижобий муносабатларини шакллантириш, педагогик ва илмий фаолиятини самарали ташкил этишнинг мақбул педагогик шарт-шароитларини ишлаб чиқиш, шунингдек, ўқитувчиларни замонавий таълим талабларига мослашувчанлини таъминлаш, педагогик фаолият жараёнида юзага келадиган касбий деформация ҳодисасини олдини олишнинг педагогик имкониятларини белгилаш ва такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этади. Бу борада ЮНЕСКО томонидан 2030 йилгача белгиланган халқаро таълим концепциясида «Ҳаёт давомида сифатли таълим олишга имконият яратиш»<sup>1</sup> вазифасига алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, Сарбон декларацияси (Sorbonne Declaration), Минг йиллик ривожланиш мақсадлари (Millennium Development Goals (MDGs)), Таълим барча учун (Education For All (EFA)) ва касбий малакалар тўғрисидаги Лиссабон Конвенцияси таълим тизимида фаолият олиб борадиган ўқитувчиларда касбий деформацияни олдини олиш йўналишини белгилашда муҳим вазифаларидан бири сифатида қаралмоқда.

Республикамызда таълим мазмунини янги босқичга кўтариш ҳамда таълим жараёнларини самарадорлигини ошириш бўйича олиб борилган ислохотлар бугун ўз самарасини бермоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисидаги фармонида “Мактабларда таълим сифатини ошириш, педагог-кадрларнинг билими ва малакасини халқаро даражага олиб чиқиш”<sup>2</sup> каби муҳим вазифалар белгиланди. Бу эса, ўқитувчи фаолиятида юзага келадиган касбий

<sup>1</sup> <https://en.unesco.org/fieldoffice/tashkent>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони

деформацияни олдини олишнинг педагогик имкониятларини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сонли Фармони, 2020 йил 6 ноябрдаги “Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4884-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 25-январдаги “Халқ таълими соҳасидаги илмий-тадқиқот фаолиятини кўллаб қувватлаш ҳамда узлуксиз касбий ривожлантириш тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4963-сонли Қарори ҳамда мазкур соҳага тааллуқли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мамлакатимизда таълим сифатини ошириш жараёнининг қонуниятлари ва тенденциялари, ўқитувчиларда касбий компетентлик ва маҳоратни ривожлантириш борасида, республикамиз олимларидан М.Очилов, Н.Муслимов, М.Қуронов, С.Т.Турғунов, Н.С.Сайидахмедов, Ў.М.Асқарова, С.А.Джумаева, Р.А.Абдухаиров, Ш.А.Таджибаеваларнинг тадқиқотларида ўқитувчи педагогик фаолиятида юзага келадиган касбий тўсиқларни олдини олиш қобилияти ва маҳоратини такомиллаштириш тўғрисида мулоҳазалар юритилган. Ўқитувчи фаолияти самарадорлигига таъсир этувчи тўсиқлар ва уларнинг таҳлили, олдини олиш ҳамда бартараф этишга оид тадқиқотлар М.Г.Давлетшин, Б.Р.Қодиров, Э.Ғозиев, Н.Халилова, Р.И.Суннатова, В.Каримова ва бошқалар томонидан олиб борилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатлари олимларидан Е.И.Рогов, В.В.Бойко, И.В.Холоднова, А.И.Черлючакевич, Н.Б.Москвина, Л.С.Павлова, В.В.Дикова, Н.В.Прокопцева, В.А.Кан-Калик, А.Сафинларнинг илмий тадқиқотларида касбий ва педагогик фаолиятда юзага келадиган салбий ҳодисаларни бартараф этиш муаммосининг педагогик, психологик ва ижтимоий жиҳатларига тўхталиб ўтилган.

Хорижий олимларнинг тадқиқотларида ҳам касбий деформация муаммоси кенг ўрганилган. Касбий деформациянинг назарий ва эмпирик томонлари К.Maslach, S.Jackson, M.Anderson, Carol Ann Tomlinson, Howard Gardner, S.Pedersen, M.Liu тадқиқотларида ҳам кенг ёритилган.

Бироқ, ўқитувчи касбий деформациясини олдини олишнинг педагогик имкониятларини такомиллаштириш, самарали йўналишлари, педагогик-

психологик, методик жиҳатларини тўлиқ ўрганилмаган. Шунингдек, ўқитувчи фаолияти самарадорлиги, касбий ва шахсий ривожланишини таъминлаш мақсадида касбий деформация тўғрисида тушунчага эга бўлиши ҳамда олдини олишга қаратилган технологиялари ишлаб чиқилмаганлиги мазкур йўналишда илмий изланишлар олиб боришни тақозо этди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Наманган давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режаларига мос равишда “Ўқитувчилар тайёрлаш: таълим-тарбия муаммолари ва истиқболлари” мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ўқитувчи фаолиятида юзага келадиган касбий деформацияни олдини олишнинг педагогик имкониятларини такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ўқитувчи фаолиятида юзага келадиган касбий деформацияни олдини олишнинг педагогик имкониятларини аниқлаштириш;

касбий деформацияни олдини олишга йўналтирилган компетенцияларни такомиллаштириш;

ўқитувчи фаолиятида юзага келадиган касбий деформацияни олдини олиш мазмунини аниқлаштириш;

ўқитувчи фаолиятида юзага келадиган касбий деформацияни олдини олишнинг самарали жиҳатларини аниқлаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти сифатида** умумий ўрта таълим мактаб ўқитувчилари фаолиятида юзага келадиган касбий деформацияни олдини олишнинг педагогик имкониятларини такомиллаштириш жараёнлари танлаб олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни ўқитувчи фаолиятида юзага келадиган касбий деформацияни олдини олишнинг педагогик имкониятларини такомиллаштириш мазмуни, шакл, метод ва воситалари ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда кузатиш, суҳбат, сўровнома, эксперт баҳолаш, касбий деформация даражаси ва олдини олиш имкониятини аниқловчи диагностик методикалари, асословчи, таълимий ва якунловчи эксперимент ҳамда математик-статистик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотининг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ўқитувчи фаолиятида юзага келадиган касбий деформацияни олдини олишнинг педагогик жиҳатлари ўқитувчиларга педагогик касбининг ижтимоий-маданий тажрибаларини сингдириш орқали ижтимоий муносабатлар интеграцияси таъминланиши асосланган;

ўқитувчи фаолиятида юзага келадиган касбий деформацияни олдини олишга йўналтирилган компетенциялар касбий янгиликларни вужудга келиши, уларни жадал ўзлаштириш ва амалиётга тадбиқ этишга қаратилган инновацион педагогик муҳитни яратиш асосида такомиллаштирилган;

ўқитувчи фаолиятида юзага келадиган касбий деформацияни олдини олиш мазмуни касбий педагогик маҳорат босқичлари, педагог фаолиятининг

янги шакли ва педагогик жараёни самарадорлигини таъминловчи педагог-новатор фаолиятига устуворлик бериш асосида аниқлаштирилган;

ўқитувчи фаолиятида юзага келадиган касбий деформацияни олдини олишда касбни самарали эгаллаш ва ривожланиши учун зарур бўлган ижтимоий-педагогик, психо-физиологик хусусият ва сифатлар миқдорини ўлчовчи тизимни ишлаб чиқиш асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ўқитувчиларнинг касбий деформациясини олдини олишга қаратилган тизимли-функционал модели асосида махсус курс дастури ишлаб чиқилган;

ўқитувчилар касбий деформациясини олдини олишга йўналтирилган муаллифлик тренинг машғулотлари дастури ишлаб чиқилган;

тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан “Педагогика назарияси ва тарихи (1-қисм)” номли дарслигини яратишда фойдаланилган;

ўқитувчи фаолиятида юзага келадиган касбий деформациясини олдини олишнинг педагогик технологияси такомиллаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган ёндашув ва усуллар илмий-методик жиҳатдан асосланганлиги, назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар, тажриба-синов ишлари самарадорлиги даражаси математик-статистик методлар воситасида аниқланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда ваколатли органлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти “деформация”, “касбий деформация”, “педагогик касбий деформация” каби тушунчаларнинг мазмуни муаллифлик ёндашуви асосида тўлдирилганлиги, педагогик касбий деформациянинг хусусиятлари ва педагогик-психологик ўзига хосликлари ҳамда ўқитувчи фаолиятида юзага келадиган касбий деформацияни олдини олишнинг мезон ва кўрсаткичлари аниқлаштирилганлиги, касбий деформацияни бартараф этишга қаратилган компонентлар, рефлексив ёндашув имкониятларининг очиб берилганлиги, касбий деформациясини олдини олишнинг илмий-методик асоси ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти касбий деформацияни олдини олишга йўналтирилган махсус курс дастурини ўқитиш орқали ўқитувчиларда касбий муҳим сифатларни шакллантиришнинг мақбул умумпедагогик, хусусий-методик ва локал (интерфаол машқлар) технологияларининг такомиллаштирилганлиги, ўқитувчиларда касбий кўникмаларни шакллантиришнинг педагогик технологияси ва дидактик тизимининг ишлаб чиқилганлиги, ўқитувчиларда касбий кўникмаларни шакллантиришга доир тренинг машғулотлари дастурининг яратилганлиги, касбий кўникмаларни баҳолашнинг диагностик усулларининг ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг натижаларидан педагог кадрларни тайёрловчи олий таълим муассасаларининг педагогика ва психология, амалий психология ва

барча йўналишларида “Умумий педагогика”, “Педагогик технология”, “Педагогик конфликтология”, “Педагогик маҳорат”, “Педагогик психология” фанлари асосида бўлажак ўқитувчиларда касбий деформацияни олдини олишнинг педагогик имкониятларини такомиллаштиришга оид тавсиялардан педагогик фанлар мазмунини бойитишда фойдаланилганлиги, шунингдек, қайта тайёрлаш, малака ошириш курсларида ҳамда умумий ўрта таълим муассасалари ўқитувчиларининг касбий тайёргарлигини оширишга доир амалий-методик тавсиялар ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўқитувчи фаолиятида юзага келадиган касбий деформацияни олдини олишнинг педагогик имкониятларини такомиллаштиришга доир олинган натижалар асосида:

ўқитувчи фаолиятида юзага келадиган касбий деформацияни олдини олишнинг педагогик жиҳатлари ўқитувчиларга педагогик касбининг ижтимоий-маданий тажрибаларини сингдириш орқали ижтимоий муносабатлар интеграциясини таъминлашга доир таклиф ва тавсиялардан Халқ таълими вазирининг 2021 йил 18 январдаги 11-сонли буйруғи 3-илоvasи билан тасдиқланган “Халқ таълими муассасалари раҳбарлари ва педагог кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш мазмуни ҳамда сифатига қўйиладиган давлат талаблари”ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими Вазирлиги ҳузуридаги Республика Таълим марказининг 2022 йил 11 февралдаги 01/11-02/02-165-сон маълумотномаси). Натижада, ўқитувчи фаолиятида юзага келадиган касбий деформацияни олдини олишнинг педагогик-психологик мазмунини такомиллаштиришга эришилган;

ўқитувчи фаолиятида юзага келадиган касбий деформацияни олдини олишга йўналтирилган компетенциялар касбий янгиликларни вужудга келиши, уларни жадал ўзлаштириш ва амалиётга тадбиқ этишга қаратилган инновацион педагогик муҳитни яратиш асосида такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялардан ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик Республика ташхис марказининг 2020 йил 25 сентябрдаги “Умумий ўрта таълим муассасаларида касб-ҳунарга йўналтириш ишларини ташкил этиш тўғрисида”ги 46-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Устоз-шогирд” анъанаси бўйича ўқитувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва малакаларини ошириш бўйича йўриқномасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика таълим марказининг 2022 йил 11 февралдаги 01/11-02/02-165-сон маълумотномаси). Натижада, касбий деформацияни олдини олишнинг педагогик имкониятлари кенгайтирилган;

ўқитувчи фаолиятида юзага келадиган касбий деформацияни олдини олишнинг мазмуни касбий педагогик маҳорат босқичлари, педагог фаолиятининг янги шакли ва педагогик жараёни самарадорлигини таъминловчи педагог-новатор фаолиятига устиворлик бериш асосида аниқлаштиришга ҳамда ўқитувчи фаолиятида юзага келадиган касбий деформацияни олдини олишда касбни самарали эгаллаш ва ривожланиши учун зарур бўлган ижтимоий-педагогик, психо-физиологик хусусият ва

сифатлар миқдорини ўлчовчи методларни ишлаб чиқиш асосида такомиллаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялардан 2018-2020 йилларга мўлжалланган Давлат илмий-техника дастурлари доирасидаги ПЗ-20170930223-рақамли “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни ривожлантиришда ёшлар ижтимоий фаоллигини ошириш механизмини такомиллаштириш” инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқишда шунингдек, Олий таълим муассасаларининг “Педагогика ва психология” йўналиши талабалари учун “Педагогика назарияси ва тарихи (1-қисм)” дарслигини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 25 декабрдаги нашр гувоҳномаси). Натижада, касбий деформацияни олдини олишга қаратилган ташкилий босқичлари аниқланиб унинг методик таъминотини бойитишга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, асосий матн 144 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги асосланган, мақсади ва вазифалари, объекти ҳамда предмети аниқланган, ишининг фан-технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, илмий янгилиги, амалий натижалари, уларнинг ишончлилиги, назарий ҳамда амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар киритилган.


Диссертациянинг **“Ўқитувчи фаолиятида юзага келадиган касбий деформацияни олдини олишнинг илмий – методологик асослари”** деб номланган биринчи бобида замонавий таълим муҳити ва унда ўқитувчи фаолиятида юзага келадиган касбий деформациянинг педагогик-психологик хусусиятлари моҳияти, уни олдини олишга комплекс ёндашувлар, Ўзбекистон, МДҲ мамлакатлари ва хорижда изланишлар олиб борган олимларнинг ишлари илмий-амалий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Педагогик-психологик луғатларда, касбий деформация тушунчасига қуйидагича таъриф берилган: **деформация** – (лотинча “deformation” – “бузилиш”, “ўзгариш”) бу ташқи ва ички таъсирлар натижасида тана шакли ва функцияларининг ўзгаришидир, деган маънони англатади. **Касбий деформация** – бу касбий фаолиятда ташқи ва ички омиллар таъсири

натижасида мутахассиснинг когнитив, хулқ-атвор ва мотивацион соҳасида юзага келадиган салбий ўзгаришлардир.

Кўпинча шахсдаги салбий ўзгаришларни таснифлашда “шахснинг касбий деформацияси” (шахс деформацияси) атамасидан кенг фойдаланиб келинган. Педагогик фаолиятнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда, биз “педагогик касбий деформация” атамасини таклиф қиламиз, чунки ҳар бир касбда бўлгани каби ўқитувчилик касбининг ҳам ўзига хос деформациялари мавжудлиги бунга асос сифатида хизмат қилади. Шунинг учун, биз ўқитувчи фаолиятида юзага келадиган касбий деформацияни касбий фаолият таъсирида шахсий хусусиятлардаги ўзгаришлар, педагогик фаолият мазмунининг бузилиши, касбий сифатлар ва педагогик қобилиятларни салбий ўзгаришига олиб келадиган ҳодиса сифатида талқин этдик.

Ўқитувчининг касбий ривожланишига салбий таъсир кўрсатувчи бир неча омиллар ўрганилиб, улар қуйидагича таснифланади (1-расмга қаранг):



### 1-расм. Касбий ривожланишга салбий таъсир кўрсатувчи омиллар

Ўқитувчининг касбий тайёргарлиги таълим ва тарбия жараёнини режалаштириш, ташкил қилиш, амалга ошириш ва баҳолаш каби касбий вазифаларини сифатли бажариши учун зарур бўлган асосий компетенцияларни белгилайди. Ўқувчиларга уларнинг индивидуал ритмда ривожланиши ва билимларни ўзлаштиришга қизиқишини оширишга тенг имкониятларни тақдим этувчи қулай муҳитни яратиш учун ўқитувчи муайян касбий хусусиятларга эга бўлиши керак.

Замонавий мутахассисларни тайёрлашдаги асосий йўналишлардан бири сифатида “касбий сифатлар” ва “касбий тараққиёт” масаласини ажратиб кўрсатиш муҳим. Касбий сифатлар инсоннинг бутун умри давомида ҳамроҳ бўладиган ва касбий фаолиятда муҳим ўрин тутадиган хусусиятлардир. Касбий тараққиёт эса касбий маҳоратга эришишга, ишнинг сифатини

ортишига, соҳага оид ижодкорлик, қарор қабул қилишдаги эгиливчанликка йўналтирилган бўлади.

Ўқитувчи фаолиятидаги касбий деформацияни юзага келишига таъсир этувчи омилларни уч гуруҳга умумлаштириш мумкин (2-расмга қаранг):



**2-расм. Ўқитувчи фаолиятидаги касбий деформацияга таъсир этувчи омиллар**

*Объектив омиллар* - ижтимоий муҳит билан боғлиқ бўлган ижтимоий-иқтисодий вазиятлар, касбнинг жамиятда тутган мавқеи, касбий фаолиятнинг ўзига хос ички муҳити;

*Субъектив омиллар* – ўқитувчининг касбий ўзини-ўзи англаши, фаолияти, меҳнат шароити, унинг натижаси ва бошқаларга (ўқитувчи-ўқувчи, ўқитувчи-ҳамкасблар, ўқитувчи ва ота-оналар) муносабатларидан иборат.

*Объектив – субъектив омиллар* – таълим тизими ва касбий жараёни ташкил этиш, бошқарув самарадорлиги, раҳбарларнинг касбий ҳамда бошқарув соҳасидаги компетентлиги ва бошқалар.

Касбий деформация ўқитувчининг шахсий яхлитлигини бузади, унинг мослашувчанлигини, касбий барқарорлигини пасайтиради, педагогик фаолият самарадорлигига салбий таъсир қилиб, ўқитувчининг касбий хулқ-атвори ўзгаришига сабаб бўлади. Касбий деформация ўқитувчининг фаоллиги ва касбий ривожланишидаги муаммолар натижаси бўлиши мумкин. Агар ўқитувчи ўз фаолиятида касбий деформацияни пайдо бўлишига олиб келадиган омиллар ва сабаблар тўғрисида маълумотга эга бўлиши, уни олдини олиш йўлларида самарали фойдаланиши, салбий ўзгаришларнинг вужудга келиш эҳтимоллигини пасайтиради.

Ўқитувчи касбий деформациясининг хусусиятлари шахсий фаоллик, ижодкорлик ва интерактивликнинг етарли эмаслиги билан боғлиқ:

- шахсий даражада ўқитувчининг касбий деформацияси ўқувчиларга нисбатан авторитаризмнинг ривожланиб бориши билан боғлиқ бўлиб: бошқарув функцияларини қатъий марказлаштириш, ўқитувчига барча масъулиятни юклаш, ўқувчиларнинг ташаббусини бостириш, энг муҳим масалаларини ҳал қилишига тўсқинлик қилиш, топшириқларни буйруқ шаклида бериш ва ўқитувчига нисбатан қарши таъсирларни амалга оширганлиги учун турли хил жазо турларини қўллашда намоён бўлади;

- касбий фаолиятга нисбатан қатъийлик иш давомида намоён бўлади ва ўқитувчининг атрофида кечаётган жараёнлар ҳақидаги ғояларини мос равишда ўзгартира олмаслик, унинг таъсирчан кўринишларининг

тузилишини ўзгартирмаслик, замонавий иш шароитларига мос келмайдиган ортикча баҳоланган ғоялар ва мақсадларни шакллантириш тенденцияси, эгоцентризм, ўзини-ўзи намоён қилиш, манфаатлар торлиги, қайсарлик, бир хил метод, восита, шакллардан фойдаланиш ва ҳис-туйғуларга берилиб кетишда ифодаланади.

Касбий деформация феноменининг психологик-педагогик тадқиқотлар бўйича келтирилган таҳлилида олимларнинг (Т.А.Жалагина, Э.Ф.Зеер, А.В.Козлова, Е.И.Рогов, Э.Э.Симанюк ва бошқалар) фикрларидан келиб чиқиб, ўқитувчиларга ва педагогик фаолиятга хос бўлган шакллари аниқлаш имконини берди.

Юқорида келтирилган таҳлиллардан келиб чиқиб, ўқитувчи фаолиятида юзага келадиган касбий деформацияни шахсий ва касбий соҳада намоён бўлиш шакллари педагогик хусусиятларини кўришимиз мумкин (3-расмга қаранг):



**3-расм. Ўқитувчининг шахсий ва касбий соҳасида касбий деформациянинг намоён бўлиш шакллари**

Ўқитувчини ўз хатти-ҳаракатларидан хабардор бўлишга ўргатиш муҳим жараён бўлиб жуда қийин кечади. Бироқ, педагогик ва психологик нуқтаи-

назардан, бу вазифа юқори даражада ўзини-ўзи тарбиялаш билан боғлиқ бўлган истаклар ёки эҳтиёжларни англаш, ҳаракатларини етарли даражада баҳолаш ва рефлексив қобилиятларни ривожлантириш орқали самарали амалга оширилади.

Ўзини-ўзи бошқариш ва ривожлантириш мотивларнинг пайдо бўлиши қуйидаги омилларга боғлиқ:

- ўқитувчининг педагогик фаолияти ва шахсини тушуна олиш;
- фаолият ва шахсият тўғрисида етарли фикр-мулоҳазаларга эга бўлиш;
- педагогик фаолият ва шахсиятининг идеал ва норматив модели ўртасидаги ўзаро боғлиқлик тўғрисида тушунчага эга бўлиш.

Биринчи боб сўнггида касбий деформацияни олдини олишнинг педагогик имкониятларини такомиллаштириш учун ўқитувчининг ўқувчилар, ҳамкасблар ва ота-оналар билан ўзаро ҳамкорлик усуллари, самарали мулоқотда бўлиш кўникмаларини шакллантириш даражасини ўрганиш, хулқ-атвор меъёрлари ва кадриятга йўналтирилган билим даражасини аниқлаш, ностандарт вазиятларга мувофиқ маълум бир хулқ-атвор йўналишини оқилона танлаш, шунингдек, мустақил қарор қабул қилиш имкониятларидан фойдаланиш қобилиятини ўрганиш лозим, деган хулосага келинди.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Ўқитувчи фаолиятида юзага келадиган касбий деформацияни олдини олишнинг педагогик шарт-шароитлари”** деб номланиб, ушбу бобда ўқитувчи фаолиятида юзага келадиган касбий деформацияни олдини олишнинг педагогик имкониятларини такомиллаштиришнинг тизимли-функционал модели, касбий деформацияни олдини олишнинг самарали усуллари, тамойиллари ва технологиялари мазмуни ёритилган.

Тадқиқот доирасида **“Ўқитувчи фаолиятида юзага келадиган касбий деформацияни олдини олишнинг педагогик имкониятлари”** номли дастурини ўқитишда: касбий фаолиятга йўналтирилганлик, хулқ-атвор, когнитив, мотивацион, психотерапевтик, компетенциявий ёндашувлар мазмуни аниқлаштирилди.

Умумий ўрта таълим мактаб ўқитувчиларида касбий деформацияни олдини олиш жараёнида қуйидаги умумпедагогик технологиялардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эканлиги аниқлаштирилди: 1) педагогик креативлик ва педагогик компетентликни ривожлантирувчи технологиялар; 2) касбий тўсиқлар ва низоларни бартараф этиш технологиялари; 3) рефлексив технологиялар; 4) маънавий-ахлоқий фазилатларни ва ўқитувчининг касбий идентификацияни шакллантирувчи технологиялар; 5) аутоген машқлар.

Тадқиқот ишининг самарадорлиги **“Ўқитувчи фаолиятида юзага келадиган касбий деформацияни олдини олишнинг тизимли-функционал модели”** асосида амалий исботланган. (4-расмга қаранг).



**4-расм. Ўқитувчи фаолиятида юзага келадиган касбий деформацияни олдини олишнинг тизимли-функционал модели**

Тадқиқот мақсадини амалга оширишда ишлаб чиқилган моделга алоҳида эътибор берилган. Ўқитувчининг шахсий ва касбий хусусиятлари, унинг касбий фаолияти мақсади, истикболи, асосий босқичлари, унга эришиш йўллари, усуллари, юзага келиши мумкин бўлган қийинчиликлар ва уларни бартараф этиш усуллари ҳақидаги ғоялар умумлаштирилган.

Ўқитувчи фаолиятида юзага келадиган касбий деформацияни олдини олиш мақсадида бир нечта босқичлардан иборат яхлит тизимли-функционал модел ишлаб чиқилди. Моделнинг мақсади ўқитувчи фаолиятида юзага келадиган касбий деформацияни бартараф этишнинг босқичма-босқич амалга ошириладиган вазифаларини асослашдан иборат.

**1-жадвал.**

**Ўқитувчи фаолиятида юзага келадиган касбий деформацияни олдини олишнинг педагогик имкониятлари**

Педагогик имкониятлар	Амалга ошириш усуллари	Эришиладиган натижа
Касбий фаолиятга ижобий мотивацияни шакллантириш	Семинар-тренингларда фаол иштирок этишни таъминлаш	Педагогик фаолиятга ижобий мотивация ривожланади
Касбий идентификацияни ривожлантириш	Касбий фаолиятдаги муваффақиятларини рағбатлантириш	Касбий ўзликни англаш ривожланади
Замонавий педагогик технологияларни қўллашга нисбатан эҳтиёжни пайдо қилиш	Маҳорат дарсларини ташкил этиш ва ўзаро тажриба алмашиш самарадорлигини ошириш	Педагогик технологияларни самарала фойдаланишга эришилади
Муваффақиятга эришиш мотивациясини шакллантириш	Эришилган натижаларни мунтазам эътироф этиш	Муваффақиятга эришиш мотивацияси шаклланади
Ўқувчилар жамоасида ишлай олиш кўникма ва малакаларини ривожлантириш	Жамоатчилик ишларига йўналтириш, ўқувчилар фаол мулоқот учун шароит яратиш	Ўқувчиларга нисбатан эмпатия, аттракция (яхши кўриб қолиш) вужудга келади
Таълим жараёнига замонавий инновацияларни қўллашга эҳтиёжни шакллантириш	Замонавий инновацион технологияларга асосланган фаолиятга жалб этиш	Инновацион саводхонлик ривожланади

Ўқитувчида аниқ ва онгли касбий истиқболнинг мавжудлиги ижодкорлик учун кучли туртки беради, оптимистик дунёқарашни келтириб чиқаради, ўзини-ўзи англаш соҳаси сифатида келажакка қизиқишини шакллантиради. Шахсий ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касбий фаолият стратегиясини шакллантириш бўйича ишда биографик усулдан фойдаланиш катта аҳамиятга эга бўлиб, бу ўқитувчи ҳаёти, фаолияти, келажак режаларини таҳлил қилишга ундайди, шунингдек, касбий фаолиятни самарали ташкил этишига имкон яратади.

Олиб бориладиган ҳар қандай педагогик тадқиқот таълимий ёки маънавий-маърифий жараённинг муайян даражада такомиллаштиришга

хизмат қилади. Бунда янги ёндашувларни қарор топтириш, илғор методларни асослаш, замонавий воситалардан самарали фойдаланиш имкониятларини ўрганиш, технологияларни яратиш, амалий-методик тавсияларни ишлаб чиқиш каби хатти-ҳаракатлар такомиллашув жараёнини характерлайди. Эришилган натижалар ўқитувчининг фаолиятида юзага келадиган касбий деформацияни олдини олишнинг педагогик имкониятларини такомиллаштиришга хизмат қилади.

**“Ўқитувчи фаолиятида юзага келадиган касбий деформацияни олдини олиш бўйича тажриба-синов ишлари мазмуни”** деб номланган учинчи бобда касбий деформация диагностикаси, тажриба-синов ишлари дастури ва уни ташкил этиш ҳамда ўтказиш методикаси мазмуни ёритилган.

Тажриба-синов ишларини ташкил этишдан кўзланган мақсад – ўқитувчи фаолиятида юзага келадиган касбий деформацияни олдини олишнинг педагогик шарт-шароитлари ва воситаларидан самарали фойдаланиш даражасини аниқлашдан иборат.

Педагогик шарт-шароитлар ва дидактик имкониятлардан фойдаланиш воситасида ўтказилган тажрибалар кўрсатиб ўтилган мақсадга эришишнинг ишончлилигини тасдиқлайди. Якуний мақсадга эришишнинг ишончлилиги, асосан, касбий ривожлантирувчи технологиялар, педагогик-психологик тренинглари, дидактик ва аутоген машқларнинг таъсирчан хусусияти билан намоён бўлиб, улар ўзини-ўзи назорат қилиш, ўзини-ўзи ривожлантириш, ўзини-ўзи бошқариш кўникмасига эга бўлган мутахассисни шакллантиради ва педагогик фаолиятни самарали ташкил этилишига олиб келади.

Ўқитувчи фаолиятида юзага келадиган касбий деформацияни олдини олишга қаратилган махсус курс дастурини янада такомиллаштиришда ўқитувчиларнинг шахсий ва касбий мулоҳазаларини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир.

Тажриба-синов ишлари Наманган, Фарғона, Андижон вилоятларининг умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиларида олиб борилди.

Жумладан, Наманган вилояти Косонсой туманидаги 8- ва 54-умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчиларидан 143 нафар, Фарғона вилояти Ёзёвон туманидаги 7- ва 39-умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчиларидан 94 нафар, Андижон вилояти Балиқчи туманидаги 36- ва 50-умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчиларидан 149 нафар, жами 386 нафар ўқитувчилар тадқиқот ишида респондент сифатида иштирок этишди. Тадқиқотнинг самарадорлигини объектив баҳолаш мақсадида респондентлар тасодифий танлаш йўли билан жалб этилди.

Тажрибада касбий деформацияни аниқловчи методикалар, сўровномалар ва савол-жавоблардан фойдаланилди. Тадқиқот давомида олинган маълумотларнинг миқдорий кўрсаткичлари 1-, 2-жадвалларда келтириб ўтилган.

## 2-жадвал

### Ўқитувчи фаолиятида юзага келадиган касбий деформацияни олдини олишнинг педагогик имкониятлари шаклланганлик даражаси бўйича маълумотлар солиштирма жадвали

Тажрибадан аввал	Касбий деформация мезонлари	юқори	ўрта	паст	Жами
	Касбий зўриқиш	181	128	77	386
	Касбий стресс	190	121	75	386
	Асаб бузилишига мойиллик	184	123	79	386
	<b>Жами ўртача</b>	<b>185</b>	<b>124</b>	<b>77</b>	<b>386</b>
Тажрибадан кейин	Касбий деформация мезонлари	юқори	ўрта	паст	Жами
	Касбий зўриқиш	107	125	154	386
	Касбий стресс	105	118	163	386
	Асаб бузилишига мойиллик	112	117	157	386
	<b>Жами ўртача</b>	<b>108</b>	<b>120</b>	<b>158</b>	<b>386</b>

Юқоридаги жадваллардан кўриниб турибдики, тажрибадан кейинги кўрсаткичнинг тажрибадан аввалги кўрсаткичга нисбатан камайиши мезонларининг барчаси бўйича сезиларли ўзгаришлар кузатилган.

Юқоридаги жадваллар асосида тажрибадан аввалги ва тажрибадан кейинги тажриба-синов ишларининг ўқитувчи фаолиятида юзага келадиган касбий деформацияни олдини олишнинг педагогик имкониятлари бўйича якуний босқич натижалари келтирилган ( 2-жадвал).

## 3-жадвал

### Ўқитувчи фаолиятида юзага келадиган касбий деформацияни олдини олишнинг педагогик имкониятларининг қиёсий таҳлили (сон ва фоизларда)


Синфлар	Ўқитувчилар сони	Ўзлаштириш натижалари (сон ва фоизда)		
		юқори	ўртача	паст
Тажрибадан аввалги	386	185 48	124 32	77 20
Тажрибадан кейинги	386	108 28	120 31	158 41

Тажриба-синов натижалари таҳлиliga кўра, тадқиқот жараёнига жалб этилган тажрибадан кейинги натижалар тажрибадан аввалги натижаларга нисбатан ўқитувчи фаолиятида юзага келадиган касбий деформацияни олдини олишнинг педагогик имкониятларининг самарали шаклланганлиги аниқланди. Бу ҳолатни объектив баҳолаш учун статистик таҳлил амалга оширилади, аниқлаштирган хулосагина тажриба-синов ишларининг илмий, педагогик, технологик ва методик жиҳатдан тўғри самарали олиб борилганини тасдиқлайди. Таъкидловчи тажриба-синов даврида ҳам статистик таҳлилни амалга ошириш учун Стьюдент ва Пирсон методлари

танланди. Мазкур метод икки гуруҳда қайд этилган кўрсаткичларни аниқлаш ва объектив баҳолаш имконига эга.

Математик статистик методнинг моҳиятига кўра, дастлабки босқичда респондентларда қайд этилган статистик кўрсаткичларни танланмалар сифатида белгиланиб, баҳо кўрсаткичлари бўйича вариацион қаторларни ҳосил қилиш лозим бўлди.

Бу диаграммада қуйидаги кўринишни олди:



### 5-расм. Ўқитувчи фаолиятида юзага келадиган касбий деформацияни олдини олишнинг педагогик имкониятлари бўйича диаграмма

Диаграммадан кўриниб турибдики, тажрибадан кейинги юқори ва ўрта кўрсаткичлар тажрибадан аввалги кўрсаткичларидан пастроқ экан. Юқоридаги натижаларга асосланган ҳолда математик статистик таҳлил қилиниб, ўртача қийматлар тажриба якунидаги ҳолат учун топилган натижалардан ўртача квадратик четланиш, танланма дисперсия, вариация кўрсаткичлари, Стъюдентнинг танланма мезони, Стъюдент мезони асосида эркинлик даражаси, Пирсоннинг мувофиқлик мезони ва ишончли четланишлари топилди (3 - жадвал).

### 4-жадвал

#### Тажриба-синов ишларининг вариацион кўрсаткичлари

$\bar{X}$	$\bar{Y}$	$S_x^2$	$S_y^2$	$C_x$	$C_y$	$T_{x,y}$	$K$	$X_{n,m}^2$	$\Delta_x$	$\Delta_y$
2,28	1,87	0,6016	0,6731	1,74	2,23	6,83	770	48,22	0,07	0,08

Юқоридаги натижаларга асосланиб, тажриба-синов ишларининг сифат кўрсаткичларини ҳисоблаймиз:

Бизга маълум,  $\bar{X}=2,28$ ;  $\bar{Y}=1,87$ ;  $\Delta_x=0,07$ ;  $\Delta_y=0,08$  га тенг.

Бундан сифат кўрсаткичлари:

$$K_{\text{усб}} = \frac{(\bar{X} - \Delta_x)}{(\bar{Y} + \Delta_y)} = \frac{2,28 - 0,07}{1,87 + 0,08} = \frac{2,21}{1,95} \approx 1,13 > 1;$$

$$K_{\text{ооб}} = (\bar{X} - \Delta_x) - (\bar{Y} - \Delta_y) = (2,28 - 0,07) - (1,87 - 0,08) = 2,21 - 1,79 = 0,42 > 0;$$

Олинган натижалардан тадқиқот жараёнига жалб этилган тажрибадан кейинги ўқитувчилардаги кўрсаткичлар тажрибадан аввалги кўрсаткичларга нисбатан касбий деформацияни пасайганлигини баҳолаш мезонининг бирдан

катталиги билан ва билиш даражасини баҳолаш мезонининг нолдан катталиги билан кўриш мумкин. Бундан маълумки, тажрибадан кейинги ўқитувчилардаги кўрсаткичлар тажрибадан аввалги кўрсаткичларга нисбатан касбий деформация пасайган (13,7% га) экан.

Демак, тадқиқот натижалари бўйича ўтказилган ва диссертацияда келтирилган статистик таҳлиллар тажриба-синов ишлари самарадор эканлигини ҳамда кўзлаган мақсадимиз тасдиқланганини кўрсатади.

Шундай қилиб, тажриба-синов иши якунида касбий деформацияни олдини олишнинг педагогик имкониятларини такомиллаштириш натижасида ўқитувчи - ўқувчи, ўқитувчи ва ҳамкасблар ўртасидаги ижобий муносабатлар ривожланди, ўқитувчининг руҳий ҳолати оптималлаштирилди, ўқитувчининг педагогик қобилияти самарадорлиги оширишнинг ижобий тенденцияси ишлаб чиқилди. Ўзини-ўзи намоён қилиш даражаси, ўқитувчиларнинг шахсий ва касбий ўсиши, ўзини-ўзи ривожлантириш қобилиятини фаоллашганлиги ва стрессга чидамлик ҳамда ўзини-ўзи тартибга солиш кўникмаларининг шаклланганлиги, тадқиқотда белгиланган мақсадларга эришилганлигини тасдиқлайди.

Юқорида олиб борилган статистик таҳлиллардан хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, тажриба-синов натижалари таҳлиliga кўра, ўқитувчи фаолиятида юзага келадиган касбий деформацияни олдини олишнинг педагогик имкониятлари бўйича қўлланилган дастурлар, функционал-тизимли моделдан фойдаланиш методикаси самарали бўлиб, ўтказилган тажриба-синов таҳлиллари уни республикамиз таълим муассасалари миқёсида оммалаштириш мумкинлигига асос яратади.

## ХУЛОСА

Ўқитувчи фаолиятида юзага келадиган касбий деформация феноменини ўрганиш, унинг мазмуни, тузилиши, ривожланиш динамикасини таҳлил қилиш ва олдини олишнинг педагогик имкониятларини такомиллаштиришга оид амалга оширган тадқиқотимиз натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Замонавий таълим шароитида ўқитувчи фаолиятида юзага келадиган касбий деформацияни олдини олишнинг педагогик имкониятларини такомиллаштиришда ўқитувчининг билим, кўникма, малака ва компетенцияларни эгаллаши, энг муҳим интеллектуал қобилиятларини ривожлантириш, шахсий ва касбий ривожланишини таъминлаш учун мақбул шарт-шароитларни яратиш, унинг касбий сифатларни муваффақиятли ривожланишини тақозо этади.

2. Ўқитувчи фаолиятида юзага келадиган касбий деформацияни олдини олишнинг педагогик жиҳатлари ўқитувчиларга педагогик касбининг ижтимоий-маданий тажрибаларини сингдириш орқали ижтимоий муносабатлар интеграциясини таъминлайди.

3. Ўқитувчи фаолиятида юзага келадиган касбий деформацияни олдини олишнинг педагогик имкониятларини такомиллаштиришга қаратилган

педагогик фаолият ўзининг дидактик ҳамда психологик хусусиятларига эга бўлиб, мазкур хусусиятларни аниқлаш орқали ўқитувчи касбий фаолиятини сифат жиҳатдан такомиллаштириш имконияти вужудга келади.

4. Ўқитувчи фаолиятида юзага келадиган касбий деформацияни олдини олишнинг педагогик шарт-шароитларини аниқлаш учун бу соҳада мавжуд бўлган ёндашувлар, тушунчалар, қарашлар, таълимотларни тўплаш, таҳлил этиш асосида ишлаб чиқилган назарий-методик тавсияларни ўқитувчининг касбий фаолиятига жорий этиш мақсадида муайян илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш орқали педагогик имкониятлари кенгайтирилади.

5. Касбий деформацияни олдини олишнинг педагогик имкониятларини такомиллаштириш натижасида ўқитувчида ўз касбига муҳаббат, ўқувчиларни сева олиш; ўз мутахассислик фанини яхши билиши, унга қизиқиш; педагогик тактга (одоб ва назокат) эга бўлиш; болалар жамоасида ишлай олиш; ўз меҳнатига креатив ёндашиш; тарбиявий-ахлоқий билимларни эгаллаш; ўзини-ўзи касбий ва шахсий ривожлантиришга ижодий ёндашишни намоён қилиш; ўзини-ўзи назорат қилиш ва бошқариш қобилияти ривожланади.

6. Касбий деформация структурасини эксперт баҳолашнинг сифатли таҳлили, унинг субъектив жиҳатдан турли шакллари аниқлаш ва батафсил ўрганиш имконини беради ҳамда уларни эмпирик ўрганиш натижаларини қиёсий таҳлил қилиш ўрганилаётган мезонларга кўра педагогик касбий деформация намоён бўлишининг юқори ва паст даражаларига эга бўлган ўқитувчилар ўртасидаги ишончли фарқларни аниқлаштириш имконини беради.

7. Касбий деформацияни олдини олишнинг педагогик имкониятларини такомиллаштириш мақсадга йўналтирилган дидактик таъминот мазмуни, самарали омиллари, етакчи тамойиллари ва технологиясининг пухта асосланганлигига боғлиқ. Шу боис, ишлаб чиқилган тизимли-функционал модел ўқитувчи касбий деформациясини олдини олишнинг педагогик имкониятларини такомиллаштиришга хизмат қилади.

8. Ўқитувчи фаолиятида юзага келадиган касбий деформацияни олдини олишнинг педагогик имкониятларини такомиллаштириш учун ижодий таълим муҳити, касбий деформацияни олдини олишга хизмат қиладиган педагогик вазиятлар, савол ва топшириқлар, семинарлар, тренинглар, аутоген машқлар, махсус курс дастурларининг мазмуни педагогик жараёнларнинг самарадорлигини оширади. Буни амалга оширган статистик таҳлилларимиз ҳам яққол кўрсатмоқда. Натижалар тажриба жараёнида касбий деформацияни олдини олишнинг педагогик имкониятлари 13.7 % га ортганлигини кўрсатди. Статистик кўрсаткичлар тадқиқотга таклиф қилинган педагог ўқитувчилар билан ишлаш жараёнининг такомиллаштирилган дидактик ва методик таъминоти мақсадга мувофиқ ривожланганлигини далолатлайди.

Тадқиқот иши доирасида олинган хулосаларга таянган ҳолда, қуйидаги **тавсиялар** илгари сурилди:

1. Ўқитувчининг билим, қўникма, малакалар даражасини мунтазам мониторинг қилиш, педагогда ўзининг индивидуал хусусиятларини билиш,

шахсияти, кадр-қимматини ҳурмат қилиш, ўзини-ўзи ижобий баҳолаш, ижодкорлик, тадқиқотчилик фаолияти, интеллектуал қобилиятларини ривожлантиришга бўлган эҳтиёжини қўллаб-қувватлаш керак.

2. Педагогика олий ўқув юрларининг битирувчи курс талабалари учун “Ўқитувчи фаолиятида юзага келадиган касбий деформацияни олдини олишнинг педагогик имкониятлари” номли танлов фанини ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

3. Ўқитувчининг жамиятдаги ижтимоий мавқеини ошириш мақсадида илғор тажрибаларни оммавий ахборот воситалари (телекўрсатув, радио эшиттиришлар, газета ва журналлардаги мақолалари) да мунтазам ёритиб бориш, натижалар портфолиосини юритиш орқали касбий маҳорат динамикасини кузатиб бориш натижасида ўқитувчининг креатив фаолиятини адекват баҳолаш ва рағбатлантириш лозим.

4. Умумий ўрта таълим мактаби психологларининг иш режасига педагогик жамоада касбий деформацияни олдини олишга доир психологик тадбирлар ва тренингларни тизимли ташкил этиш ҳамда эришилган натижаларни таҳлилий ўрганиб бориш керак.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD. 03/05.06.2020.Ped.76.03  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ  
НАМАНГАНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**НАМАНГАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**АБДУСАМИЕВ ДИЛМУРОД АБДУГАНИ УГЛИ**

**ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ВОЗМОЖНОСТИ ПРОФИЛАКТИКИ  
ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ДЕФОРМАЦИИ В ДЕЯТЕЛЬНОСТИ  
УЧИТЕЛЯ**

**13.00.01 – Теория педагогики. История педагогических учений.**

**АВТОРЕФЕРАТ**  
**Диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2021.1.PhD/Ped2145.**

Диссертация выполнена в Наманганском государственном университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу ([www.namdu.uz](http://www.namdu.uz)) и на Информационно-образовательном портале "ZiyoNET" по адресу ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный руководитель:**

**Аскарва Угиллой Мамашокировна**  
доктор педагогических наук, профессор

**Рецензенты:**

**Нуруллаева Шахло Уктамовна**  
доктор педагогических наук, профессор

**Абдуллаева Насиба Джураевна**  
кандидат педагогических наук, доцент

**Ведущая организация:**

**Гулистанский государственный университет**

Защита диссертация состоится «13» января 2023 года в 10:00 часов на заседании Научного совета PhD.03/05.06.2020.Ped.76.03 при Наманганском государственном университете. (Адрес: 160119, г. Наманган, ул. Уйчинская, дом 316. Тел.: (+99869) 227-06-12; факс: (99869) 227-07-61; e.mail: [info@namdu.uz](mailto:info@namdu.uz))

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Наманганском государственном университете (регистрационный номер 1178). (Адрес: 160119, г. Наманган, ул. Уйчинская, дом 316. Тел.: (+99869) 227-29-81.

Автореферат диссертации разослан «30» декабря 2022 года.  
(протокола рассылки № 15 от «30» декабря 2022 года).



**С.Т.Тургунов**  
Председатель научного совета по  
присуждению ученых степеней,  
д.п.н., профессор

**М.А.Аскарва**  
Учёный секретарь научного совета  
по присуждению ученых степеней, PhD

**З.Э.Азимова**  
Председатель научного семинара  
при научном совете по присуждению  
ученых степеней, д.п.н., доцент

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мировой системе образования особое внимание уделяется использованию профессиональных тренинговых и модульных, коллаборативных ("совместных", "командных"), инновационных технологий в формировании профессиональных навыков на основе творческих и инновационных подходов, самостоятельного профессионального развития учителей. В частности, профилактика профессиональной деформации учителей, оптимизация системы межличностных отношений, формирование способностей творческого мышления, самостоятельной работы над собой, самообразования, способности к самоанализу у всех участников образовательной системы имеет важное значение в развитии инновационного потенциала. Проблемы профилактики профессиональной деформации педагогических кадров выделяются как обязательный компонент профессиональной деятельности в таких странах, как Нидерланды, Япония, Лихтенштейн, США, Бельгия, Германия, Канада и Россия. Особое внимание уделяется содержанию мирового опыта, подходам, методикам и направлениям профилактики профессиональной деформации.

Формирование положительного отношения учителей, работающих в образовательной сфере, к педагогической деятельности, разработка оптимальных педагогических условий для эффективной организации педагогической и научной деятельности, а также обеспечение адаптации учителей к современным образовательным требованиям, определение и совершенствование педагогических возможностей для предотвращения явления профессиональной деформации, проявляющейся в процессе педагогической деятельности, имеет актуальное мировое значение. В связи с этим, в международной образовательной концепции до 2030 года, созданной ЮНЕСКО, особое внимание уделяется задаче "Создания возможности получения качественного образования на протяжении всей жизни"<sup>1</sup>. Также, определение направления профилактики профессиональной деформации учителей, работающих в системе образования, является одной из важных задач Сарбонской декларации (Sorbonne Declaration), программ Цели развития тысячелетия (Millennium Development Goals (MDGs)), Образование для всех (Education For All (EFA)) и Лиссабонской конвенции о профессиональных квалификациях.

На сегодняшний день уже ощутимы результаты реформ по поднятию на новый уровень качества образования и повышению эффективности образовательных процессов, проведенных в Республике. Одной из приоритетных задач Указа Президента Республики Узбекистан "О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы", направленной на дальнейшее развитие Республики Узбекистан, является "Повышение качества образования в школах и поднятие на международный уровень знаний и квалификации педагогических кадров"<sup>2</sup>. В связи с чем, появляется

---

<sup>1</sup> <https://en.unesco.org/fieldoffice/tashkent>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони

необходимость разработки педагогических возможностей профилактики профессиональной деформации в деятельности учителя.

Данное научное исследование в значительной степени послужит выполнению задач, изложенных в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-5712 “Об утверждении концепции развития системы народного образования Республики Узбекистан до 2030 года” от 29 апреля 2019 года, Постановлениях Президента № ПП-4884 “О дополнительных мерах по дальнейшему совершенствованию системы образования и воспитания” от 6 ноября 2020 года и № ПП-4963 “О мерах по поддержке научно-исследовательской деятельности и внедрению системы непрерывного профессионального развития в сфере народного образования” от 25 января 2021 года, а также других нормативно-правовых документах, касающихся данной сферы.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики.** Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии Республики I. «Формирование и внедрение системы инновационных идей в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовном-просветительском развитии информированного общества и демократического государства».

**Степень изученности проблемы.** Ученые Республики А.К.Мунавваров, М.Очилов, Н.Муслимов, М.Курунов, С.Тургунов, Ж.Хасанбоев, Н.С.Сайидахмедов, О.Мусурмонова, Р.Мавлонова, У.Аскарлова, М.Мирсолиева в своих научных исследованиях, касающихся закономерностей и тенденций процессов повышения качества образования, в рамках проблемы профилактики профессиональной деформации учителей, осветили свои идеи о совершенствовании способностей и мастерства преодоления профессиональных барьеров в педагогической деятельности учителей. Исследованию существующих барьеров, влияющих на эффективность деятельности учителя, их анализу, предупреждению и устранению посвящены работы М.Г.Давлетшина, Б.Р.Кодырова, Э.Гозиева, Н.Халиловой, Р.И.Суннатовой, В.Каримовой и др.

